

НАФИСА ҚАХХОРОВА

*Гүзәлликдан  
яралган юртим*

(Шеър ва ҳикоялар)

МАЖБУРИЙ НУСХА

ТОШКЕНТ  
«ИСТИҚДОЛ»  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КВК: 84(5Ў)7

Қ35


Узб. сабд.

Самарқандлик ҳаваскор қаламкаш Нафиса  
Қаҳхорованинг иш тўпламига киритилган шеърий  
машқларида она-Ватан, баҳор, ёшлиқ ва муҳаббат  
тараннум этилади. Кичик ҳикояларида эса эзгулик,  
инсонпарварлик каби хислатлар улуғланади.

84(5Ў)7  
Қ35

Қаҳхорова, Нафиса.  
Гўзалликдан яралган юртим: шеър ва ҳикоялар /  
Н. Қаҳхорова, – Тошкент: Istiqlol, 2013. – 16 б.

УЎК: 821.512.133-1  
КВК: 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-308-65-7

© «Istiqlol nashriyoti», 2013

## **БҮРОНДЕК ЯШАШГА ИНТИЛИБ...**

*Назм бүстонига ўз сүзи, янгрөк овози билан кириб келаётгап ёш қаламкаш Нафиса Қаҳхорова, айни пайтда Самарқанддаги тиббиёт колледжидә таҳсил олиб, ҳунар ўрганмоқда. У шифокорлик касби ёрдамида инсонлар дардига малҳам бўлиши билан бирга хаста кўнгилларни ширин каломи, самимий сўзлари билан даволашга орзуманда қизларимиздан.*

*Нафиса ўз шеърларидан бирида:*

*Дунёнинг ғамини ўлдириб,  
Фамгусор одамни кулдириб,  
Бахтим-ла оламни тўлдириб —  
Яшашни истайман, —*

*декя эзгу-тилакларини изҳор этади.*

*Дил туғёнларини ичига сугдира олмай, сурондек, туғёндек, бўрондек яшашга интилаётгап истебдодли шоирага оқ йўл тилаймиз.*

**Тугалбой МУЗАФФАРОВ,**  
**Тайлоқ туман**  
**«Қўшчинор» газетаси муҳаррири**

## ЮРТИМ

Урф-одати ўзига хос,  
Бир бегубор ўлка, холос.  
Аждодлардан қолган мерос,  
Регистони бор бу юртнинг  
Меҳмондўст-у меҳри дарё,  
Булоқлари чалар наво.  
Лол қолгандир бутун дунё,  
Ширмой нони бор бу юртнинг.  
Ҳурлигини кўролмаган,  
Эмин-эркин юролмаган.  
Темурини билолмаган,  
Замонлари бор бу юртнинг.  
У улуғдир, у энг суюк,  
Халқи учун жони қуюк.  
Ислом бобомдек бир буюк,  
Зўр сарбони бор бу юртнинг.

\* \* \*

Дунёни кезмоқни қилмадим ҳавас,  
Мен-чун майсаларнинг ўзи беқиёс.  
Мен-чи сенинг телба ошиғинг холос,  
Асли гўзалликдан яралган юртим.  
Кексалардан сўрант Ватан қадрини,  
Улар татиб кўрган ҳижрон дардини.  
Қўзимга сурайин япроқ-баргингни,  
Нафис фунчаларга ўралган юртим.  
Қайси юртда бордир бундайин барглар,  
Ширмой нонга тўла иссиқ тандирлар.  
Менга ёқимлимас фаранг атиrlар,  
Ҳандалак ҳидлари тараған юртим.  
Бутун ер юзининг сайқали сен-да,  
Улуғ соҳибқирон ҳайкали сенда.  
Буюк юртнинг асли тимсоли сен-да!  
Дунёнинг нигоҳи қадалган юртим,  
Шеърларим бор сенга аталган юртим!

\* \* \*

Эй, орзуларим макон топган юрт,  
Йиқилсам, күтариб күкка тутган юрт,  
Олислаб кетсам гар, йўлим қутган юрт,  
Мен сени севаман, онажон Ватан!  
Ўзгалар севарлар бир гўзал ёрни,  
Кимдир севар балки қишини, баҳорни,  
Ким афзал қўради тонгни, наҳорни,  
Мен сени севаман, онажон Ватан!  
Мафтун этган мени чинни кўчалар,  
Кундуздайин ёруғ ҳатто кечалар.  
Юрт топа олмадим ўлкам, сенчалар,  
Мен сени севаман, онажон Ватан!

\* \* \*

Дунёнинг қаерида бундайин хилқат,  
Қаерида Темурга дахлдор злат.  
Қайда бор ўзига бек деган миллат,  
Кимлиги номидан маълум юртдир бу.  
Топганин тўй қилиб элга едирап,  
Шундайин доноки! Ердан ундирап.  
Кичик бошоги ҳам ботмон ун бўлар,  
Кимлиги номидан маълум юртдир бу.  
Қизлари шомдан сўнг кўча юрмаслар,  
Йигитлар ёмон-ла давра қурмаслар.  
Юртин хокини ҳам ёвга бермаслар,  
Номуси-оридан маълум юртдир бу.  
Тўрт фасли ҳам гўзал, тенгсиз, беқиёс,  
Қишида тинчлик хукм, меҳнатга бой ёз.  
Кузда «оқ олтин»лар гуркирар қийғос,  
Кўклам, баҳоридан маълум юртдир бу.  
Куёш чиқмасданоқ тирик жон уйғоқ,  
Биз, ўзбекларга хос аzonлаб турмоқ.  
Айтинг, қаерда бор ундан улуғроқ,  
Эрта-наҳоридан маълум юртдир бу.

Дунёниг қайрида бундайин хилқат,  
Қаерда Темурга дахлдор элат.  
Қайда бор ўзига бек деган миллат,  
Кимлиги номидан маълум юртдир бу,  
Шавкати-шонидан маълум юртдир бу!

### ТАВАЛЛУДИНГ МУБОРАК!

Мана, яна бир довон ошиб,  
Бормоқдасан чўққига шошиб.  
Бугун сени куйладим тошиб,  
Дилда тўла эзгу, ҳур тилак,  
Юртим, таваллудинг муборак!  
Ватанимда эркин уради юрак,  
Кишида ошён йўқ Ватандан бўлак.  
Оллоҳга шукронा айтаман такрор,  
Бизга фақат тинчлигинг керак,  
Юртим, таваллудинг муборак!

### САМАРҚАНД ФАРЗАНДИМАН

Таърифларда достон бўлган,  
Ҳар бурчаги бўстон бўлган,  
Осмонида офтоб кулган,  
Самарқанднинг фарзандиман.  
Одамлари иноқ яшар,  
Ҳар қадамда тў-ю ҳашар,  
Номи еру кўқдан ошар,  
Самарқанднинг фарзандиман.  
Тупроғига сурай кўзим,  
Авлиёлар топган қўним.  
Сен учун қурбон ўзим,  
Самарқанднинг фарзандиман.  
Бир қарич ер-тупроғингни,  
Шаҳарларга алмашмайман.  
Ўз юртини жондан севган,  
Самарқанднинг фарзандиман.

## **МЕХРИБОНИМ**

Кўп ёздим мен муҳаббатнинг савдоларин,  
Бу дунёning ташвишлари, ғавғоларин.  
Бугун сиз-чун жоним фидо, ёзмоқдаман,  
Мехрибоним, ишонганим, боғим, онам,  
Йиқилсам гар суянчиғим тоғим — отам.  
Олисларга кетсам, бирор кун кўрмасам,  
Софинчимдан дилим топа олмай малҳам,  
Ўрнингизни боса олмас ҳеч бир одам.  
Мехрибоним, ишонганим, боғим — онам,  
Йиқилсам гар суянчиғим, тоғим — отам.

## **БОЛАЛИГИМ**

Кувлашмачоқ ўйнаб гоҳо,  
Сендан безор бўлиб ҳатто,  
Қайтолмайман энди аммо,  
Болалигим, сени соғиндим.  
Қара, тўрда қўғирчоғим,,  
Ўша сирдош аргимчоғим.  
Бўш туради ўйин боғим,  
Болалигим, сени соғиндим.  
Энди етдим мен қадрингга,  
Шўхликларим соғиндим-да!  
Билсам, энди бўлдим катта,  
Болалигим, сени соғиндим.  
Қолдингми сен энди ортда,  
Наҳот қайтмас бўлиб сира?  
Сен энди энг гўзал хотира,  
Болалигим, сени соғиндим.

## **ОНАМГА**

Кўзингизда қувонч порласа, онам,  
Шу менинг-чун баҳтдир, шу менга толе.  
Менинг ютуқларим қувнатса сизни,  
Демак, утмабди-да бу умрим зое.  
Ёнимда бўлсангиз ҳар он, ҳар лаҳза,  
Мен баҳтни изламам олисдан сира.  
Бошим силасангиз қирқقا кирсам ҳам,  
Ҳақдан сўрамасман бошқа ҳеч нарса.  
Эллик йилдан сўнг ҳам шеърларим ўқиб,  
Қувонч ёшларингиз артинг, онажон.  
Баҳтдан сармаст бўлиб, кўзмунчоқ тақиб,  
Оллоҳга мадҳ-сано айтинг, онажон.  
Она, ўзим бўлай сочинг қароси,  
Кўзларингиз нури, юзинг жилоси.  
Фарзандлар бағрида яйранг ҳамиша,  
Бўлайин шодлигинг, жонинг ароси.  
Гар хаста бўлсам мен, сира ўқинманг,  
Сизнинг дуоингиз дардимга шифо.  
Дуо, олқишингиз асрайди мени,  
Сизни менинг учун арасин Худо!

## **БЎРОНДЕК ЯШАШНИ ИСТАЙМАН**

Дунёнинг ғамини ўлдириб,  
Фамгусор одамни кулдириб,  
Баҳтим-ла оламни тўлдириб —  
Яашни истайман.  
Зиқнага яашни ўргатиб,  
Бахилнинг кўзини ўйнатиб,  
Баҳт деган қонунни яратиб —  
Яашни истайман.  
Фам-алам нелигин билмасдан,  
Ҳар дардни назарга илмасдан,

Ташвишнинг ташвишин қиласдан —  
Яшаши истайман.  
Не берса борига шукр деб,  
Шу юрак борига шукр деб,  
Кўзимнинг нурига шукр деб —  
Яшаши истайман.  
Дўстларнинг дардига дармондек,  
Қадримга етмасга армондек,  
Сурондек, тугёндек, бўрондек —  
Яшаши истайман.

### ЎЗИМНИ АЛДАБ...

Балки, мен учун бир афсона бу,  
Рўёб бўлмас армондир балки.  
Дилни юпатиш учун бир баҳона бу,  
Сизни тушимни алқаб севаман.  
Сизга етай дейман, бунга йўқ чора,  
Ўзингиз соғиниб келасиз зора.  
Кўрмасам ҳам борсиз, шукр минг бора,  
Келар деб ўзимни алдаб севаман.  
Узоқдан кўрсам ҳам осмондек баҳтим,  
Сизсиз баҳт, ишонинг, ёлғондек баҳтим.  
Баъзида ўйласам армондек баҳтим,  
Сизни кўзларимга мақтаб севаман.  
Рашкимни кўзғатар соҳибжамоллар,  
Юзингиз силаган бефаҳм шамоллар.  
«Севасизми?». Қалбим қийнар саволлар,  
Севади деб ўзни алдаб севаман!  
Сизни ҳаммаларга мақтаб севаман!

## СИЗ ЭНДИ БИРОВ

Қадримга етмаган  
Эй, қадрдоним.  
Хақиқат бүлмаган  
Ширин армоним.  
Бугун бир париваш  
Маҳлиё сизга.  
Уни құчсанғыз гар  
Оғрийди жоним.  
Йиғларман бу кеча  
Чиқмас лек уним.  
Балки, бу умримда  
Әнг сұнғты қуним.  
Үлсам, майли мен-чун  
Йиғламанғ сира.  
Менинг бевафойим,  
Қалби юпуним.  
Бугун мен-ла бирга  
Йиғлайди осмон.  
Менинг құзимда ёш,  
Сиз шүх-у шодон.  
Сиз ўзгани дейсиз,  
Мени ҳамон сизни.  
Қалбингизда меммас,  
Үзга бир инсон.  
Бугун хазон босган  
Бизнинг күчалар,  
Севгимизга гувоҳ  
Бедор кечалар.  
Мен каби севолмас  
Сизни азизим!  
Сиз танлаган пари  
Бүлмас менчалар.  
Сиз энди бирөвсиз,  
Ёт, бегонасиз.

Аммо, юрагимда  
Бир ягонасиз.  
Кеча менга эди  
Үшал ваъдалар.  
Бугун ўзга гулга  
Сиз парвонасиз...

### **КЕЧСАНГИЗ...**

Кўзларим кўрмас гўё,  
Сиғдирмайди ер, само.  
Юрак тўхтайди ҳатто —  
Кетсангиз...

Осмон ўпар дардларим,  
Юракдаги гавҳарим.  
Яшашдан не нафларим —  
Кечсангиз...

Фамимни оширмасдан,  
Кетишга шошилмасдан.  
Кўзингиз яширмасдан —  
Келсангиз...

Артиб кўз ёшларимни,  
Севиб қарашларимни.  
Силаб кўз-қошларимни —  
Кучсангиз ...

Ҳар кун йўлимни кутиб,  
Келиб қўлимни тутиб.  
Боғда ўзни унутиб —  
Кезсангиз ...

Ҳаммалардан қизғаниб,  
Фақат менга ишониб.  
Ҳар сония соғиниби—  
Севсангиз...

# **ҲИКОЯЛАР**

## **МЕХР**

«Ойижон, сизни жуда яхши кўраман. Мен учун эрта-ю кеч тинмай меҳнат қиласиз. Ҳеч нимага зориқтирмайсиз. Ўртоқларимда йўқ телефон, компьютерлар менда бор. Уларда йўқ кийимлар, ўйинчоқлар менда бор. Ҳамма нарсам бор. Фақат биттагина нарса, тўғрироғи, меҳр, сизнинг меҳрингиз етишмаяпти, менга. Эрталаб тураман. Мактабга кетишга ҳамма нарса тайёр, аммо, сиз йўқсиз, саҳарлаб ишга кетасиз.

Мактабга ўпид кузатишингизни жуда орзу қиласман. Мактабдан қайтаман, яна йўқсиз, ўзим билан овора бўламан яна. Кечта яқин келасиз, сизга мактабда бўлган қизиқ воқеаларни айтгим келади, сиз чарчаган бўласиз, мен билан гаплашишга мадорингиз қолмайди. Сизга ачиниб кетаман, мени деб шунча қийналаяпсиз, мени ўксимасин, ўртоқларидан ажralиб қолмасин, дейсиз.

Мени ҳар кўрганингизда дадам эсингизга тушади, юрак бағрингиз эзилади. Сизга ҳам жуда қийин. Ойижон, кўп ишламанг, менга бунча кўп нарса керак эмас. Менга фақат меҳрингиз, эътиборингиз қерак. Мен компьютер ўйнашни хоҳламайман, мен фақат иссиққина бағрингизга бош қўйиб, эртакларингизни тинглаб ухлашни хоҳлайман.

Ресторанда буютирилган овқатларни эмас, сизнинг қўймоқларингизни ейишни хоҳлайман. Менга пул эмас меҳр беринг, ойижон. **МЕХР БЕРИНГ!**.

Боланинг катта-катта ҳарфлар билан ёзилган сўзларини ўқиб, она йиғлаб юборди. Ҳақиқатан ҳам у ўғлига бойлик берибди-ю, меҳр беришни, эътибор қаратишни унугибди. Болам учун елиб-югураяпман, уни кам-кўстсиз қиласман деб, у нимани исташини ўйлаб ҳам кўрмабди.

10 яшар боланинг ёзган сўзлари худди катталарникидек. У шунчалик улғайиб қолганини ҳатто онаси ҳам сезмай қолибди. Бугун чарчагани боис ишга бормаган эди. Эрталаб

туриб қараса, ўғли мактабга кетган эди. Ўғлининг хонасини йиғиштиришга кирганда, у мана шу сўзлар ёзилган кундаликни топиб олганди. Ўғли қайси овқатни яхши кўради-я? У ўзини койиди, ҳатто ўғли нимани яхши кўришиниям билмайди.

Туш яқинлашди. Шу пайт эшик жиринглади. Эшикни очди-да, остонада турган ўғлини кўрди. Қўлида мойчечак гуллари.

— Ўғлим, нега гул олиб келдинг?

— Сиз мойчечакни яхши кўрасиз-ку, шунга ҳар куни сизга мойчечак олиб келиб, вазага солиб қўярдим.

Она кўз ёшини тўхтатолмай, фарзандини бағрига босди.

— Мени кечир, болам, ожиз онангни кечир!

## ШУКР

Инглиз тили дарси эди. Аксига олиб дарсга кеч қолдим. Хайриятки, шу фандан яхши ўқиганим учун ўқитувчи кўп уришмадилар. Менга эса охирги партадан жой қолибди.

Ўқитувчи шунда доскага ниманидир ёзди-да, мени турғизиб, ёзганларининг таржимасини сўради. Доскадаги оқ чизиқлар кўринарди-ю, ёзувни кўрмадим. Ўқитувчи энди жаҳл билан уришиб берди.

Мен нима ёзилганини билардим, аммо, кўзим хиралашиб бораётгани учун ўқий олмадим. Жуда алам қилди. Бир дарсга кечикиб келганим учун ўзимдан жаҳлим чиқса, бир менинг аҳволимни биладиган дутонам биринчи партадан жой бермаганидан жаҳлим чиқди.

Дарс тугаши билан шифохонага отландим. Ўзимдан, ҳаётдан шунчалик хафа бўлгандимки, ҳозир кўзим яхши бўлиши учун ҳар нега тайёр эдим. Доимий шифокоримга учрашдим, кўзимни текширгач, ётиб даволанишим кераклигини айтди.

Махсус маълумотнома олиб бориб, уйдагилар билан маслаҳатлашиб, шифохонага ётиб даволана бошладим. Икки кун ўтгач, мен ётган хонага ўзимдан 2 ёш кичик қиз келди.

Жуда ҳам муомаласи, феъл-атвори ажойиб қиз экан. Илк күрган кишисига ҳам ўн йиллик қадрданек муносабатда бўларкан. Ўзим одамовироқ бўлганим учун бу менга бир оз эриш туюлди. Кечалари юлдуга қараб хаёл суришни яҳши кўрар эдим. Кеч тушгач, уни юлдузларни томоша қилишга таклиф этдим. Рад қилмади. Иккаламиз ҳам юлдузларга боқардик.

— Эй, юлдуз учди, ана қаранг, — дедим мен бирдан.

У эса:

— Мен юлдузларни кўрмаяпман, — деди.

Аввалига тушунмадим.

— Икки йилдан бери юлдузларни кўрмайман. Кўриш қобилиятим анча пасайиб кетган.

У шундай гапирадики, жуда хотиржам эди. Мен учун фожия бўлган ҳолни у шунчаки оддий бир ҳолат деб ҳисобларди.


— Шунисига ҳам шукр. Жуда узоқни, юлдузларни кўрмасам ҳам, қуёшни, ойни кўраман, аямнинг нурли юзларини кўраман, хира бўлса ҳам кўра оламан. Шунга шукр. Дунёда қанча кўзи ожиз одамлар бор. Мен агар худога иолиш қилсан, у менинг кўзимни янада ожиз қилиши мумкин. Инсон шукр қилгани сари унга яна бераверади...

Мен караҳт эдим. Шу ёшгина қизнинг ақли етган нарсага менинг ақлим етмаса...

Ахир, мен ҳеч бўлмаса юлдузларни кўра оламан-ку!

## МУНДАРИЖА

Бўрондек яашага интилиб.....	3
Юртим .....	4
Таваллудинг муборак! .....	6
Самарқанд фарзандиман .....	6
Меҳрибоним .....	7
Болалигим .....	7
Онамга .....	7
Бўрондек яашни истайман .....	8
Ўзимни алдаб... .....	9
Сиз энди бирор .....	10
Кечсангиз .....	11
<i>Ҳикоялар</i>	
Меҳр .....	12
Шукр .....	13



*Адабий-бадий нашр*  
Нафиса ҚАХҲОРОВА  
**ГЎЗАЛЛИҚДАН  
ЯРАЛГАН ЮРТИМ**

(Шеър ва ҳикоялар)

Тошкент — «Истиқлол» — 2013

Мұхаррир *Ж. Рассоков*  
Рассом *Х. Ёқубов*  
Мусаххих *Н. Атабоеева*  
Саҳифаловчи *С. Пўлатов*

Лицензия рақами AI № 217. 03.08.2012 й. Босишига рухсат этилди  
07.06.2013 й. Бичими 84×108<sup>1/12</sup>. Шартли босма табори 1,0. Адади 100  
нусха. Офсет қозози. Буюртма № 27.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI», Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-  
йўй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: rojpoligraf71@yahoo.com.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» матбаа бўлимида чоп этилди. Тошкент ш.,  
100129, Навоий кўчаси, 30-йўй.